

## **БИЗНЕСНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА БОШҚАРИШ, ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ МОЛИЯКРЕДИТ БЎЙИЧА ҚЎЛЛАБҚУВВАТЛАШ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР АХБОРОТЛАР ТАҚДИМ ЭТИШ**

Иқтисодиётнинг реал сектори соҳасидаги корхоналарни ва инвестицион фаолликни кредит йўли билан қўллаб қувватлашни таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Бунда асосий эътибор кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга 2016 йилда вилоят тижорат банклари томонидан барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар ҳажми 1219.0 млрд.сўми ташкил этди. Кредит маблағларининг 792.4 млрд.сўми ёки 65.0 фоизи узоқ муддатли кредитлар ҳиссасига тўғри келган.

Кичик бизнес субъектларига микрокредитлар ажратиш борасида ҳам зарурий чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида барча молиялаш манбалари ҳисобидан мазкур соҳага 303.0 млрд.сўм миқдорида микрокредитлар ажратилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1.3 баробарга ўсиш таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-3434-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида тижорат банк филиаллари томонидан тадбиркор аёлларга жами 131.5 млрд.сўм кредитлар ажратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги “Озиқ овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-1047-сонли қарорини вилоятда бажарилишини таъминлаш мақсадида ҳисобот даврида вилоят банклари томонидан 215.0млрд.сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатимизда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2009 йил 28 январдаги ПҚ-1050-сонли қарорига асосан ҳисобот даврида вилоят банклари томонидан 214.0 млрд.сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилган.

**Самарқанд вилояти ҳудудида фаолият олиб бораётган тижорат банклари томонидан таклиф этиладиган кредит турлари бўйича маълумотлар:**

- Ҳамкор банк
- Ипотека банк
- Миллий банк
- Қишлоқ қурилиш банки
- Саноат қурилиш банки
- Халқ банки

**Фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш:**

Марказий банк вилоят бош бошқармаси

Телефон: 8 (366) 233-37-02

Эл. почта: [markaziybank@samarkand.uz](mailto:markaziybank@samarkand.uz)

Вилоят савдо саноат палатаси

Тел.: 8 (366) 210-11-03, 210-11-02

факс 8 (366) 210-11-01

Эл. почта: [biznes@samarkand.uz](mailto:biznes@samarkand.uz)